
ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА ТАДБИРКОРЛАР ҚАБУЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун, 22 ноябрь куни Фарғона шаҳридаги “Тадбиркорлар уйи” да навбатдаги ҳафталик тадбиркорлар қабули бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Авазбек Ўринбоев вилоятимизнинг шаҳар-туманларидан келган 50 нафарга яқин ишбилармонлар ҳамда тадбиркорларни қийнаётган масала ва муаммоларни тинглади.

Қабулда ишлаб чиқариш фаолиятни кенгайтириш учун кичик саноат зонасидан ер майдони ажратиш, диагностика маркази ташкил этиш, санитар гигиена қўғоз ишлаб чиқариш, чорва комплекси ташкил этиш, махсус кийимлар тикиш фаолиятини кенгайтириш учун бўш бино олиш, хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун кредит олиш каби турли масалаларда мурожаатлар амалга оширилди. Шунингдек, тадбиркорлар фаолиятларига бўлаётган тўсқинликларни ижобий ечими бўйича ҳам ҳоким ўринбосарига юзландилар.

Авазбек Ўринбоев ҳар бир тадбиркорнинг масаласини, қўяётган талабларини ҳал этиш чораларини тегишли масъуллар иштирокида кўриб чиқди.

Бугунги қабул якуний хулосасига кўра, айрим мурожаатлар қабул чоғидаёқ ижобий ечимини топди. Қолган ҳар бир мурожаат ҳам тааллуқлиги бўйича масъуллар иштирокида кўриб чиқилди. Қонуний ечимга эга бўлмаган масалаларга эса жойнинг ўзида жавоб қайтарилиб, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Муддат талаб этадиган муаммолар бўйича ўрганишлар натижасидан келиб чиқиб чора-тадбирлар белгиланадиган бўлди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#),
2021-11-22 17:15:48